

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

**ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ**

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

Қонунчиликдаги янгиликлар

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Тақдим этилаётган ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



МИКРОФИРМАЛАР СТАТИСТИК ҲИСОБОТНИ БИР ЙИЛДА БИР МАРТА ТОПШИРАДИ

Президентнинг 16.07.2012 йилдаги ПФ-4453-сон Фармони билан ортиқча бюрократик говларни бартараф этиш ва тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун қулай ишбилармонлик муҳитини вужудга келтириш мақсадида 2012 йил 1 августдан бошлаб 80 турдаги рухсат бериш тартиб-таомиллари, шунингдек 15 та лицензияланадиган фаолият турлари бекор қилинди.

Фармон билан амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда фаолият турларини амалга ошириш учун лицензиялар рўйхати тасдиқланди. Бунда мазкур фаолият турларини амалга ошириш учун аввал берилган лицензияларнинг амал қилиши ҳам муддатсиз ҳисобланади.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан илгари кўрса-

тилган камчиликларни бартараф этган ҳолда аризалар такроран тақдим этилган тақдирда, янги асослар бўйича лицензия ва рухсатномалар беришдан бош тортиш тақиқланади.

2013 йил 1 январдан бошлаб микрофирмалар йиллик статистик ҳисоботни 1 йилда 1 марта тақдим этадилар, бунда статистика органлари ҳар чоракда тегишли фаолият йўналишлари ва соҳалари бўйича танланма ўрганишлар ўтказилади.

Шунингдек 2013 йил 1 январдан бошлаб қўшимча фойда солиғидан ташқари барча солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ойма-ой солиқ ҳисоботини тақдим этиш бекор қилинади.

Фармон билан статистик, молия, солиқ ҳисоботлари ҳамда бошқа ҳисобот турларини бекор қилиш ва бири-бирини такрорловчи шаклларни бирлаштириш эвазига қисқартирилаётган, шунингдек уларни тақдим этиш даврийлиги қисқартирилаётган ҳисобот турлари рўйхатлари тасдиқланган.

Вазирлар Маҳкамасига тадбиркорлик субъектлари томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар ва рухсатнома характеридаги ҳужжатларни олишга тўланадиган йиғимларнинг миқдорларини қайта кўриб чиқиш ҳамда уларнинг камида 2 баробар арзонлаштирилиши бўйича қарорлар қабул қилиш топширилди.

СТАТИСТИКА ИДОРАСИ МАЪМУРИЙ ЖАЗО ҚўЛЛАШГА ҲАҚЛИ

«Давлат статистикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимча-

лар киритиш ҳақида»ги (2012 йил 3 январдаги ЎРҚ-315-сон) Қонунни амалга ошириш, шунингдек Давлат статистика қўмитасининг ишлари самарадорлигини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 26.06.2012 йилдаги 183-сон қарори билан ҳукуматнинг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди, шунингдек баъзилари ўз кучини йўқотган деб топилди.

Ўзгартиришларга биноан Давлат статистика қўмитаси эндиликда ўзига юкланган функцияларни амалга ошириш доирасида давлат статистика ҳисоботини тақдим этиш тартибини бузган мансабдор шахсларга нисбатан қонунга мувофиқ маъмурий чоралар кўришга ҳақли. Бундан олдин Қўмита фақатгина статистика ҳисоботини нотўлиқ ва қасддан нотўғри тақдим этган ҳолда қўпол қонун бузилишига йўл қўйган шахсларни қонунчиликка мувофиқ маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш юзасидан белгиланган тартибда таклифлар киритиш ҳуқуқига эга эди.

Давлат статистика қўмитаси органларини молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ Давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Дастурга киритилмаган статистика ишларига ҳақ тўлаш буюртмачи томонидан шартнома асосида амалга оширилади. Эслатиб ўтамиз, бундан олдин Давлат статистика қўмитаси тизимининг фаолияти бюджет статистика ишларини амалга ошириш учун ажратиладиган давлат бюджети маблағлари, шунингдек ҳўжалик ҳисобидаги фаолияти маблағлари ҳисобига маблағ билан таъминланар эди.

2-бетда

Мавзуга қайтиб

УЙ ИЖАРАГА БЕРИЛАРКАН


Уй-жой ижараси кўп кишилар бевосита ёки бавосита дуч келадиган масаладир. Баъзи хонадонларда бўш уй бўлгани боис уни ижарага берадилар, бошқалар ўз турар жойига эга эмаслиги сабабли ижарага уй олишга мажбур бўладилар. Ҳар иккала ҳолатда ҳам қатор юридик жиҳатлар, тартиб-таомиллар билан боғлиқ ишларга бақамти бўлинади. Ана шу жиҳатларни, тартиб-таомилларни яхши билиш ортиқча муаммолардан, вақтни беҳуда ўтказишдан ҳоли этади, пул ва асабни тежайди.

Битим муваффақияти ва хотиржамлигингиз кўп жиҳатдан битим тузишга тайёргарлик босқичини тўғри адо этишга боғлиқ эканлиги ҳақида гапириб ўтириш ортиқча деб ўйлаймиз. Қолаверса 30.12.2011 йилдаги ЎРҚ-313-сонли Қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 2012 йил 1 январдан эътиборан 159¹-модда билан тўлдирилди. Унда фуқаролар ўртасида бинони, иншоотни ёки уларнинг бир қисмини, турар жойни ижарага бериш шартномасининг мавжуд эмаслиги ёхуд ижарага бериш шартномасининг мажбурий нотариал тасдиқланишига риоя қилмаслик учун жавобгарлик назарда тутилган. Шу йўналишда аниқланган қоидабузарлик энг кам иш ҳақининг 5 бараваридан 10 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Кўчмас мулк билан боғлиқ битимлар тузишга иши тушган одам керакли қоғоз, маълумотнома ва ҳужжатларни йиғишга қанчадан қанча вақт, куч ҳамда маблағ сарфланишини яхши билади. Квартирани ижарага бериш шартномаси бўйича келишув шартномани имзолаш-у бож тўлаш ҳаракатларини қамраб олади ва нари борса 30 дақиқа вақт кетади. Аммо битимдан олдинги, ҳужжатларнинг бюрократик ўзандаги айланмаси анчагина узоқ давом этади.

Бу жараённи тезлатиш мумкин эмасмикан? Куйида газетхонларимиздан бири ана шу хусусда ўз фикр-мулоҳазалари ва шахсий тажрибасини ўртоқлашади.

8-бетда




ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ

1-бетда

МЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКАСИНИ ЛИЗИНГГА БЕРИШ ТАРТИБИ ТАСДИҚЛАНДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 11.07.2012 йилдаги 209-сон қарори билан «Ўзmeliомашлизинг» давлат лизинг компанияси томонидан мелиорация техникаси, машиналари ва бошқа механизациялаш воситаларини харид қилиш ва лизингга бериш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.



Мелиорация техникаси суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фаолиятини амалга оширувчи сув ҳўжалиги қурилиш ва фойдаланиш ташкилотларига, шунингдек сув истеъмолчилари уюшмаларига ва фермер ҳўжаликларига 10 йил муддатга лизингга қуйидаги шартлар билан берилади:

а) сув ҳўжалиги қурилиши ташкилотлари, шунингдек сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер ҳўжаликлари учун:

лизингга бериладиган мелиорация техникаси қийматининг 15 фоизи аванс шаклида уларнинг ўз маблағлари ҳисобига тўланади;

85 фоизи – лизингга берувчи томонидан, унга қарз асосида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси томонидан бериладиган маблағлар ҳисобига молиялаштирилади;

б) сув ҳўжалиги фойдаланиш ташкилотлари учун лизингга бериладиган мелиорация техникаси қийматининг 100 фоизи қарз маблағлари ҳисобига молиялаштирилади;

в) мелиорация техникаси лизингга олувчиларга фақат олинаётган техниканинг мулкий таваккалчиликларини лизингнинг бутун даври учун суғурта қилиш бўйича «Ўзагросуғурта» давлат-акциядорлик компаниясининг

суғурта полиси мавжуд бўлганда берилади;

г) лизингга берувчининг даромад ставкаси (маржаси) лизинг шартномалари тузилиши санасидаги Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

«АНГРЕН» МИЗ ДИРЕКЦИЯСИ» УСТАВИ ТАСДИҚЛАНДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 13.07.2012 йилдаги 213-сон қарори билан «Ангрен» махсус индустриал зонаси дирекцияси» давлат унитар корхонасининг устави тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Дирекциянинг муассиси ҳисобланади.

Устав билан Дирекция фаолиятининг мақсадлари ва асосий йўналишлари белгиланган бўлиб, улар орасида «Ангрен» МИЗ қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг реестрини юритиш, уларга тегишли гувоҳномалар бериш, «Ангрен» МИЗ ҳудудида «Ангрен» МИЗ қатнашчилари ҳисобланмайдиган бошқа ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳисобини юритиш, шунингдек инвесторлар билан «Ангрен» МИЗ ҳудудида инвестициялаш тўғрисида битимлар, «Ангрен» МИЗ қатнашчилари билан фаолият кўрсатмай турган корхоналарни тузиш ва бошқалар мавжуд.

Устав билан устав фондининг миқдори 1,0 млрд сўм этиб белгиланди. Дирекциянинг устав фондини кўпайтириш ёки камайтириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, Муассис қарорига биноан амалга оширилади.

Муассис томонидан Дирекцияга тезкор бошқарув ҳуқуқи билан биркирилган, бўлинмайдиган ва улушлар (ҳиссалар, пайлар) бўйича тақсимланиши мумкин бўлмаган асосий фондлар ва айланма маблағлар Дирекция мулкни ташкил қилади.

Дирекция даромади хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар, бинолар ва иншоотларни ижарага беришдан тушумларнинг бир қисми ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобига шакллантирилади.

Бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга барча солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек давлат бюджетига ажратмалар тўлангандан кейин Дирекцияда қоладиган соф фойда Дирекция тасарруфида қолади ва ундан Муассис қарорига кўра фойдаланилади.

Дирекция ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мулк билан жавоб беради, бироқ Муассис мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Муассис Дирекциянинг мулки етарли бўлмаган тақдирда унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарликни амалга оширади.

ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ СУРЪАТНИ ОШИРЯПТИ

Вазирлар Маҳкамасининг 14.07.2012 йилдаги 215-сон қарори билан 2012–2016 йилларда Қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури амалга оширилишини таъминлаш бўйича Комплекс тадбирлар тасдиқланди.

Қишлоқ ҳўжалиги техникаси паркинни янгилаш ва кенгайтириш, қишлоқ ҳўжалигини янги, замонавий юқори унумли ва ресурсларни тежовчи техника билан таъминлаш соҳасида:

фойдаланилаётган қишлоқ ҳўжалиги техникасининг, шу жумладан ўзиюрар машиналарнинг агротехника тадбирларини амалга оширишга тайёрлиги ва яроқлилигини мустақил экспертизадан (техник кўриқдан) ўтказиш тизимини яратиш;

қишлоқ ҳўжалиги техникасидан фойдаланишнинг чекланган норматив муддатларини белгилаш ва мулкчилик шаклларида қатъи назар, қишлоқ ҳўжалиги техникаси паркинни янгилашни рағбатлантиришни қўшимча механизмларини жорий этиш назарда тутилмоқда.

Қишлоқ ҳўжалиги машинасозлиги корхоналарини модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, қишлоқ ҳўжалиги техникасининг янги турлари ишлаб чиқарилишини тайёрлаш учун:

техниканинг янги турларига қўйиладиган техник талабларни, техник топшириқларни (зарурият бўлганда) ва техник шартларни ишлаб чиқиш режалаштирилган.

Фермер ҳўжаликларини, машина-трактор паркларини ва қишлоқ ҳўжалиги машинасозлиги корхоналарига кадрлар тайёрлаш ва уларнинг мутахассислари малакасини ошириш мақсадида:

назарий асосларни ўқитиш учун техника олий таълим муассасалари ўқитувчилари, тармоқ илмий-тадқиқот институтларининг илмий мутахассисларини шартнома асосида ва амалий кўникмаларни ўзлаштириш учун илғ

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	27.07.2012	1	0,7856	1	0,9651	1	0,0243
Арманистон	27.07.2012	1	407,27	1	499,6	1	12,61
Беларусь	28.07.2012	1	8260	1	10150	1	256,5
Грузия	28.07.2012	1	1,6593	1	2,0371	1	5,151
Қозоғистон	28.07.2012	1	149,93	1	183,65	1	4,64
Қирғизистон	28.07.2012	1	47,1325	1	57,7302	1	1,4631
Латвия	30.07.2012	1	0,572	1	0,702804	1	0,0177
Литва	30.07.2012	1	2,808	1	3,4528	10	8,7163
Молдова	27.07.2012	1	12,5305	1	15,316	1	0,3861
Тожикистон	28.07.2012	1	4,7646	1	5,8333	1	0,1485
Ўзбекистон	24.07.2012	1	1900,62	1	2332,1	1	59,49
Украина	27.07.2012	100	799,3	100	979,9418	10	2,4502
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246
Россия	28.08.2012	1	32,2131	1	39,6028	-	-

Манба: www.prime-tass.ru

Эълон

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

«Норма маслаҳатчи» ва «Солиқ ва божхона хабарлари» газеталарида қандай мавзулар ёритилишини хоҳлайсиз?

Таклиф ва истакларингизни 283-36-34 телефони орқали билдиришингиз мумкин.

Биз билан бирга бўлганингиздан мамнунмиз.

Таҳририят.

УШБУ СОНДА:

✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
- Валюталар курси **1-3-бетлар**

✓ БИЗНИНГ МАСЛАҲАТЛАР

- Бухгалтерия ҳужжатлари беш йил сақланади
- Эшик-ромларни сотдик
- Фойдаланилмаган ер солиқ объекти бўлмайди
- Норезидент учун тўланадими ёки тўланмайдими **4, 7-бетлар**

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР ИДОРАВИЙ-МЕЪЕРИЙ ҲУЖЖАТЛАР

- ЎЗР МАИМКВнинг «Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори;
- ЎЗР молия вазирининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 5 июлдаги ПФ-4450-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби

тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи;

- ЎЗР МВ ва ДСҚнинг «Автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари томонидан маҳаллий бюджетга нефть маҳсулотларининг чакана нархи билан белгиланган чекланган устамадан ортиқ бўлган харид нархи ўртасидаги тафовутни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори. **5-6-бетлар**

✓ МАВЗУГА ҚАЙТИБ

- Уй ижарага бериларкан **1-8-бетлар**

ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

амалиётчи мутахассисларни жалб қилган ҳолда мутахассисларнинг малакасини ошириш дастурлари ишлаб чиқилади; хорижий шериклар ишлаб чиқаришларида мутахассисларнинг стажировкалари ташкил этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 14.07.2012 йилдаги 217-сон қарори билан Қишлоқ хўжалиги техникасини харид қилиш учун ҳар йиллик шартнома кампаниясини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Низомга биноан, воситачи ёхуд ишлаб чиқарувчи доимий асосда харидорга қишлоқ хўжалиги техникаси, унинг нархи, техник тавсифлари, кафолатли ва кафолатдан кейинги даврларда сервис хизмати кўрсатиш ҳақида, шунингдек воситачи (ишлаб чиқарувчи)нинг бошқа мажбуриятлари ҳақидаги ахборотни мустақил равишда тақдим этади. Кейинги календарь йил учун қишлоқ хўжалиги техникасига бўлган эҳтиёжини аниқлаб олган харидор 1 октябрдан кечиктирмасдан ишлаб чиқарувчи (воситачи, лизинг ташкилоти) билан шартнома тузади.

Қишлоқ хўжалиги техникаси учун бўнак тўлови харидор томонидан шартномада кўрсатилган етказиб бериш муддатидан камида 3 ой олдин техника нархининг 70 фоизидан кам бўлмаган миқдорда амалга оширилади. Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашни давлат томонидан рағбатлантириш жамғармаси маблағларидан фойдаланган ҳолда лизинг асосида етказиб берилган қишлоқ хўжалиги техникаси учун бўнак Президентнинг 21.05.2012 йилдаги ПҚ-1758-сон қарори талабларига биноан амалга оширилади. Чунончи, 2013 йилда бўнак сифатида техника қийматининг камида 50 фоизи тўланганда ушбу сумманинг 35 фоизига қадар қисми Жамғарма ҳисобига тўланиши мумкин.

Етказиб бериш узоқ давом этадиган (3 ойдан кўп) шартномалар зақалат пули билан таъминланади.

Воситачи (лизинг ташкилоти)нинг қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб бериш бўйича харидор олдидаги мажбуриятлари харидор бўнак тўлови (зақалат) тўлаган кундан бошлаб кучга киради.

Яқуний ҳисоб-китоблар шартномага мувофиқ, бироқ техника етказиб берилган кундан бошлаб 5 иш кунидан кечиктирмасдан амалга оширилади.

Шартнома кампанияси натижаларидан келиб чиқиб ишлаб чиқарувчи кейинги йилги ишлаб чиқариш дастурини шакллантиради.

ТИФ МБ ЎЗИ ҚУРИБ, ЎЗИ СОТИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА БЎЛДИ


Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки балансидаги ҳудудларни ободонлаштириш ва улар ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари асосида қурилган ва қурилаётган уй-жой, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларидан самарали фойдаланиш мақсадида, агар улар банк маблағлари, шу жумладан жисмоний ва юридик шахсларнинг жалб қилинган маблағлари ҳисобига қурилган бўлса, Вазирлар Маҳкамасининг

17.07.2012 йилдаги 221-сон қарори билан ТИФ МБга истисно тариқасида ушбу объектларни мустақил равишда тасарруф этиш ҳуқуқи берилган.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин объектларни сотишдан олинган фойда ТИФ МБнинг Ўзбекистон Республикаси кафолати остида жалб этилган кредитлар бўйича қарзини сўндиришга йўналтирилиши керак.

УСТАЛАРНИНГ МЕХНАТ ҲАҚИ ОШИРИЛДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 19.07.2012 йилдаги 224-сон қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг 1.08.2008 йилдаги «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида» 165-сон қарорига ўзгартиришлар киритилди.



2012 йил 1 сентябрдан бошлаб касб-хунар коллежларининг I малака тоифасига, II малака тоифасига эга бўлган ва малака тоифасига эга бўлмаган ишлаб чиқариш таълими усталарининг тегишли равишда касб-хунар коллежларининг катта ўқитувчиси, олий маълумотли ўқитувчиси ва ўрта махсус маълумотли ўқитувчисининг базавий тариф ставкаларига тенглаштирилган базавий тариф ставкалари жорий қилинмоқда.

ҲИСОБ-КИТОБЛАРГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИЛДИ

Марказий банкнинг қарори (АВ томонидан 9.07.2012 йилда 1122-9-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритилди.

Киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, банклар томонидан тўловчиларнинг ҳисобрақамларидан маблағларни акцептсиз ҳисобдан чиқариш – хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бошқа банкларда очилган асосий ҳисобрақамларида кредитлар бўйича қарз ўз вақтида сўндирилмаганда амалга оширилади. Олдин банклар томонидан маблағлар хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бошқа банкларда очилган иккиламчи ҳисобрақамларида кредитлар бўйича қарз ўз вақтида сўндирилмаганда акцептсиз ҳисобдан чиқариларди.

Бундан ташқари, Молия вазирлигига ҳисобдор юқори молия органлари эндиликда қуйи молия органларининг бюджет ҳисобварақларига инкассо топшириқномаларини қўя олмайдилар.

2012 йил 19 июлдан кучга кирди.

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲИСОБЛАБ ЁЗИЛГАН ПЕНСИЯЛАРНИ ҚАЙТА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛАДИ

Молия вазирининг буйруғи (АВ томонидан 20.07.2012 йилда 2380-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Президентнинг 2012 йил 5 мартдаги ПФ-4450-сон Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

2012 йил 1 августдан кейин яқка тартибдаги коэффицентларни (2011 йил 1 октябрдан амалга киритилган) қўллаган ҳолда янги тайинланадиган пенсиялар ҳисоблаб чиқариладиган иш ҳақини тенглаштириш учун тасдиқланган Низомга мувофиқ энг кам ойлик иш ҳақи миқдорлари қўлланилади.

2012 йил 1 августгача тайинланган пенсиялар, юқорида Президентнинг ПФ-4450-сон Фармонида белгиланган 1,15 баравар миқдорга ошириш йўли билан қайта ҳисобланади.

Пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам иш ҳақининг 8 баравари, яъни 578 840 сўмдан ортик бўлмаган ўртача ойлик иш ҳақи инobatга олинади. Яқка тартибдаги коэффицентлар қўлланилган ўртача ойлик иш ҳақи миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 8 баравари ва ундан юқори миқдорда бўлган ҳолларда, пенсияларни қайта ҳисоблашни амалга оширишда иш ҳақи миқдори 578 840 сўм билан чегараланиб, иш стажининг давомийлигига боғлиқ равишда пенсияларни ҳисоблаш учун қабул қилинган фоизларга кўпайтирилади.



Ёшга доир ёки I ва II гуруҳ ногиронлик бўйича пенсияонерлар пенсия тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган тақдирда, қайта ҳисоблашдаги пенсия миқдори мавжуд стажга мутаносиб равишда белгиланади.

Барча ҳолларда пенсияларга устама энг кам ойлик иш ҳақидан келиб чиқиб аниқланади.

2012 йил 30 июлдан кучга кирди.

Ҳужжатларга қисқача шарҳларни эксперт-юристимиз Елена ЕРМОХИНА тайёрлади.

Олимпиада хабарлари

САККИЗ ТОННА ОЛТИН, КУМУШ ВА БРОНЗА

Лондонда бўлиб ўтадиган ёзги Олимпия ўйинларида голиб спортчиларга тақдим этиладиган медаллар учун жами саккиз тонна олтин, кумуш ва бронза ишлатилди, деб хабар беради ПАТА-ТАСС. Бу Олимпия ўйинлари тарихидаги энг юқори кўрсаткичдир. Спортчилар учун жами 4 700 медаль тайёрланган бўлиб, ҳар бири 410 граммга тенг. Пекин Олимпиадаси медалларининг оғирлиги 210 граммдан иборат эди. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, олтин медаллардаги олтин миқдори олти граммни ташкил этади.

«ОИЛА УЙИ»

Олимпиадада иштирок этадиган спорт-

чилар учун тарихда биринчи марта «Оила уйи» ташкил қилинди. Олимпия ўйинлари ташкилотчиларининг сўзларига кўра, уни очишдан кўзланган асосий мақсад турли мамлакатлардан ташриф буюрган спортчилар ва уларнинг оила аъзолари учун оилавий муҳитни яратишдан иборат.

Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг ёзишича, мазкур лойиҳа Халқаро Олимпия қўмитаси билан АҚШнинг «Procter & Gamble» компанияси томонидан амалга оширилмоқда. «Оила уйи»да спортчилар ва уларнинг оила аъзолари учун барча шароитлар яратилган. У ерда барча зарур мебель, техника ва технологиялар билан жиҳозланган хоналардан ташқари, китоб ва ўйинчоқлар қўйилган болалар

майдончаси, кир ювиш хонаси, сартарош хизмати мавжуд.

ЎЙНАБ ГАПИРСАНГ ҲАМ, ЎЙЛАБ ГАПИР

Греция терма жамоасининг енгил атлетикачиси Параскеви Папахристу Олимпия ўйинларида иштирок этишдан маҳрум этилди. Бунга унинг интернет орқали бошқа миллат вакиллари шаънига айтган номақбул сўзлари сабаб бўлган. Маълумотларга кўра, узунликка сакраш бўйича катта тажрибага эга 23 ёшли спортчи ўзининг интернетдаги веб саҳифасига турли суратларни жойлаб, Грецияда истиқомат қилувчи африкалик муҳожирлар ҳақида ҳақоратли сўзларни ёзган. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, Параскеви

Папахристу 2008 йилда ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида бронза медалини қўлга киритган эди. 2009 ва 2011 йилларда Европада ўтказилган мусобақаларда олтин медалларга сазовор бўлган.

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ: ЎҒРИ!

Буюк Британиянинг ахборот хавфсизлиги бўйича фаолият олиб борувчи «Venafi» компанияси экспертларининг фикрича, Олимпия ўйинлари давомида етмиш мингдан зиёд иштирокчи ва меҳмон ўз мобил телефонидан айрилиши мумкин. Сабаби – мобил телефонларнинг катта қисми йўқолиши ва ўғирланиши мумкин. Одатда ҳар икки ҳафтада 50 минг мобил телефон йўқоладиган Лондонда мусобақалар вақтида бу кўрсаткич янада ортиши табиий.

ЎЗА.

1. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддасида бухгалтерия ҳужжатлари ва молиявий маълумотлар камида уч йил, молиявий ҳисобот эса қонун ҳужжатларида белгиланган муддат мобайнида сақланади дейилган. Бухгалтерия бирламчи ҳужжатлари, шу жумладан банк ҳужжатлари, омборхона кирим-чиқим реестри ва (квитанция) тўлов патталарини сақлаш муддати неча йил?

2. Ташкилотда жиноий иш тугатилиб, суд ҳукми чиққандан кейин ҳужжатлар қанча муддат сақланади?

3. Кейин тайинланган текширувда жиноий иш тугатилган даврдаги ҳужжатларнинг талаб қилиниши тўғрисида бунда суд ҳукми етарли ҳисобланадими?

Д.Иргашев.
Зангиота тумани.

БУХГАЛТЕРИЯ ҲУЖЖАТЛАРИ БЕШ ЙИЛ САҚЛанаДИ

– 1. Солиқ кодексининг (СК) 38-моддасига кўра давлат солиқ хизмати органи солиқ даври туганидан кейин 5 йил ичида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаши ёки уларнинг ҳисобланган суммасини қайта кўриб чиқиши мумкин.

СКнинг 47-моддасида солиқ ҳисоботи давлат солиқ хизмати органларида ва солиқ тўловчида солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддати мобайнида, яъни 5 йил сақланади.

Демак, сизнинг ҳолатингизда бухгалтерия бирламчи ҳужжатлари, шу жумладан банк ҳужжатлари, омборхона кирим-чиқим реестри ва (квитанция) тўлов патталари беш йил муддат давомида сақланиши лозим.

2. Ташкилотда жиноий иш тугатилиб, суд ҳукми чиққандан кейин ҳужжатларни сақлаш муддати СКда белгиланган ва биринчи саволингизга жавобан қайд этилган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

3. Кейин тайинланган текширувда жиноий иш тугатилган даврдаги ҳужжатлар талаб қилиниши ёки суд ҳукмининг етарли ҳисобланиши масаласи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ваколати доирасидаги масала ҳисобланади.

Жавобларни экспертими Малика ХАДИЕВА тайёрлади.

ЭШИК-РОМЛАРНИ СОТДИК ЁКИ СОТИЛГАН ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ҲИСОБДА АКС ЭТТИРИШ ВА БУ БЎЙИЧА СОЛИҚ ОҚИБАТЛАРИ

Бизнинг ягона солиқ тўлови ва ҚҚС тўловчиси бўлган корхонамиз объект қурилишидан ортиб қолган қурилиш материалларини 1 050 минг сўмга сотди, шу жумладан ҚҚС 175 минг сўмни ташкил этди. Ушбу қурилиш материалларининг ҳақиқатдаги таннархи 600 минг сўмни ташкил қилади. Харидор тегишли тўловни корхонамизнинг ҳисобрақамига тўлиқ ҳажмда ўтказиб берди.

Корхонамизнинг харидор билан ҳисоб-китоблари бухгалтерия ҳисобида қандай акс эттирилади ва улар қандай солиқ оқибатларига олиб келади?

Норбўта Мирхамидов, корхона бухгалтери.
Тошкент вилояти.

– Харажатлар таркиби тўғрисидаги низомнинг* «В» бўлими 2.4-бандига мувофиқ ортиқча қурилиш материалларини сотиш асосий ишлаб чиқариш фаолиятдан олинган бошқа даромадларга киритилади ҳамда Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда (2-сон шакл) «Асосий фаолиятдан бошқа даромадлар» 90-сатри бўйича акс эттирилади.

Бинобарин, Президентимизнинг 27.12.2005 йилдаги ПҚ-244-сон қарори 7-бандига мувофиқ ягона солиқ тўлови тўловчилари 2006 йил 1 январдан бошлаб ихтиёрий тарзда ҚҚС тўлашга ҳақлидирлар. Сотиш бўйича ҚҚС солинадиган айланма миқдори сотилдиган материаллар қиймати асосида, уларга ҚҚСни қўшмасдан аниқланади (01.01.2008 йилдан бошлаб – Солиқ кодексининг 204-моддасига, 1.01.2008 йилга қадар – Ишлаб чиқариладиган ва реализация қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг (АВ томонидан 29.04.2003 йилда 1238-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 10-бандига мувофиқ).

Сизнинг вазиятингизда қурилиш материалларини

сотиш бўйича айланма (875 минг сўм) ҚҚС солинадиган айланма бўлиб ҳисобланади, ҚҚС – 175 минг сўм.

Ортиб қолган қурилиш материалларини сотишдан олинган даромадлар ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқаришда солиққа тортиладиган айланмага киритилади. Шу тариқа солиқ солинадиган даромад 275 минг сўмни (1050 – 175 – 600) ташкил қилади.

Ягона солиқ тўлови корхонанинг асосий фаолият турига тегишли ставка бўйича ҳисобланади. Жумладан, қурилиш корхоналари учун 2012 йилдаги ягона солиқ тўлови ставкаси 6% миқдорида белгиланган (Президентнинг 30.12.2011 йилдаги ПҚ-1675-сон қарорига 9-1-илова). Ушбу операция бўйича ягона солиқ тўлови суммаси 16 500 сўмга (275 000 x 6%) тенг.

Ягона солиқ тўловини тўлашда корхона ҳисоблаб чиқарилган ЯСТ суммасини бюджетга тўланадиган ҚҚС суммасига камайтириши мумкин, бироқ бу ҳисоблаб ёзилган ЯСТ суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Мазкур вазиятда бюджетга тўланадиган ЯСТ суммаси 8 250 сўмни (16 500 / 2) ташкил қилади.

21-сонли БХМСга мувофиқ, мазкур операциялар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Т/р	Ҳўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўмда	Ҳисобварақлар корреспонденцияси		Ўзуларни тасдиқловчи ҳужжатлар
			дебет	кредит	
1.	Материалларни харид қилувчидан пул маблағларининг келиб тушиши акс эттирилди	1 050	5110	6310	Олди-сотди шартномаси, банк кўчирмаси
2.	Илгари олинган бўнақ ҳисобга олинди	1 050	6310	4010	Шартнома, банк кўчирмаси
3.	Материалларни сотиш акс эттирилди	1 050	4010	9220	Юк-хати, ҳисобварақ-фактура
4.	Ҳисоблаб ёзилган ҚҚС акс эттирилди	175	9220	6410	Ҳисобварақ-фактура
5.	Материалларнинг сотиб олиш қиймати ҳисобдан чиқарилди	600	9220	1010	Юк-хати, ҳисобварақ-фактура

*Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида низом, ВМнинг 05.02.1999 йилдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган.

Жавобни экспертими Фуломжон ТЎЛАГАНОВ тайёрлади.

Фойдаланилмаган ер солиқ объекти бўлмайди

Туман ҳокимлигининг 2006 йилдаги қарорига асосан фермер хўжалигимизга жами 47 га ер майдони ажратилиб, туман ер ресурслари ва давлат кадастри ходимлари томонидан ер ўлчаб берилган. 2011 йил 1 март куни қайта ўтказилган ўлчов натижасида фермер хўжалигимизнинг жами ер майдони 47 га эмас, балки 40,28 га эканлиги, фермер хўжалиги ташкил қилинган пайтда мутахассислар томонидан ер майдони хатолик билан 6,72 га га кам ўлчаб берилганлиги маълум бўлди.

Мутахассислар томонидан ўтказилган ўлчов натижаси билан фермер хўжалигимизга ажратилган ер майдони тўғрисидаги ҳужжатларга тегишли ўзгартириш киритилиб, 2012 йил 11 апрель куни туман ҳокимининг қарори билан унинг умумий майдони 40,28 га қилиб белгиланди.

Фермер хўжалиги 2006 йил 26 январдаги қарор бўйича кам ўлчаб берилган 6,72 га ер майдони учун 2008 йил 1 февралдан 2012 йилнинг 1 майгача давр учун ягона ер солиғи ҳисоб-китобларини қайта тақдим этиши мумкинми?

И.Ботиров.
Ургут тумани.

– Солиқ кодексининг (СК) 365-моддасида қонун ҳужжатларига мувофиқ қишлоқ хўжалигини юритиш учун эгалик қилишга, фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкаси ягона ер солиғи солиш объекти ҳисобланиши айтилган.

Сизнинг ҳолатда ҳокимият қарори билан фермер хўжалигига 47 га ер майдони ажратилган бўлиб, ҳақиқатда 6,72 га майдондан фойдаланилмаган. Фой-

даланилмаган ер майдонлари учун ягона ер солиғи тўланмайди. Ҳокимият қарорида ер майдони қанча белгила-нишидан қатъи назар, фермер хўжалиги ер ресурслари ва давлат кадастри томонидан ўлчаб берилган, яъни ҳақиқатда фойдаланишга берилган ер майдонидан келиб чиқиб ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқишга ва тўлашга ҳақли.

Бундан ташқари шунга эътибор қаратиш керакки, Ўзбекистон Республикасидаги қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчиларнинг қишлоқ хўжалик ерлари меъёрий баҳосини аниқлашнинг муваққат йўриқномаси (АВ томонидан 19.04.2006 йилда 1563-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 1 ва 2-бандларига кўра қишлоқ хўжалиги ерларининг (шудгор қилинган ерлар, кўп йиллик дов-дарахтлар, бўз ерлар, яйловлар ва пичанзорлар) меъёрий қиймати баҳосини Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича давлат кўмитаси ҳамда унинг ихтиёридаги ҳудудий органлар, корхона ва ташкилотлар чиқарадилар. Қишлоқ хўжалиги ерларининг меъёрий баҳоси чиқарилаётганда унга ер билан чамбарчас боғланган кўчмас мулк объектлари (яхшилашлар)нинг (қурилмалар, иншоотлар, суғориш ва коллектор-зовур тармоғи, йўллар ва ҳоказо) қиймати киритилмайди.

Шунингдек, Ер кодексининг 64-моддасига кўра йўллар, ариқ ва суғориш тармоқлари, соҳилбўйи ерлари аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерларига киритилиб, ушбу ерлар муайян

юрдик ва жисмоний шахсларга бириктириб қўйилмаслиги ҳамда бевосита шахар, туман давлат ҳокимияти органларининг ихтиёрида бўлиши белгиланган. Тегишинча, йўллар, каналлар, ариқлар ва коллекторлар банд этган ер участкаларига қишлоқ хўжалиги ерларининг меъёрий қийматидан ягона ер солиғи солинмайди.

Солиқ тўловчи солиқ даври туганидан кейин беш йил ичида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ортиқча тўланган суммаларини ҳисобга олишни ёки қайтаришни талаб қилишга ҳақли (СК, 38-модда).

СКнинг 368-моддасига кўра календарь йили ягона ер солиғи бўйича солиқ давридир. Шундан келиб чиқиб, 2008 – 2012 йил 1 май ҳолатига ягона ер солиғи бўйича даъво муддати ўтмаган ҳисобланади. Шунинг билан тегишли далолатнома ва қарорлар билан тўлиқ тасдиқланган тақдирда, ягона ер солиғи бўйича ўтган давр учун қайта ҳисоб-китобни амалга ошириш мумкин бўлади.

Жавобни экспертими Мурод МУҲАММАДЖОНОВ тайёрлади.

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

● ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР

- ЎзР МАИМҚВнинг «Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори;
- ЎзР молия вазирининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 5 июлдаги ПФ-4450-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи;
- ЎзР МВ ва ДСҚнинг «Автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари томонидан маҳаллий бюджетга нефть маҳсулотларининг чакана нархи билан белгиланган чекланган устамадан ортиқ бўлган харид нархи ўртасидаги тафовутни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

МЕҲНАТ ДАФТАРЧАЛАРИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ҲАҚИДА*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 18 июлда рўйхатдан ўтказилган.
Рўйхат рақами 402-б.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2012 йил, 29-сон, 343-модда)

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил 1-сон) мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан 1998 йил 7 январда 8/04-01, 32/01-сон билан тасдиқланган Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг (рўйхат рақами 402, 1998 йил 29 январь) 7.1-бандидан «прокурату-

ра органлари» деган сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Вазир
А.ХАЙТОВ.

Тошкент ш.,
2012 йил 4 июль
30-Б-сон.

*2012 йил 28 июлдан кучга кирди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2012 ЙИЛ 5 ИЮЛДАГИ ПФ-4450-СОНЛИ «ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ БЎЙИЧА ПЕНСИЯЛАРНИ ҚАЙТА ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 20 июлда рўйхатдан ўтказилган.
Рўйхат рақами 2380.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2012 йил, 29-сон, 345-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 5 июлдаги ПФ-4450-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 28-сон, 308-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 5 июлдаги ПФ-4450-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2011 йил 18 ноябрдаги 71-сонли «Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2011 йил 3 ноябрдаги ПФ-4377-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2284, 2011 йил 30 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 48-сон, 495-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Вазир
Р.АЗИМОВ.

Тошкент ш.,
2012 йил 18 июль
52-сон.

*2012 йил 30 июлдан кучга кирди.

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI PREZIDENTINING
2012 ЙИЛ 5 ИЮЛДАГИ ПФ-4450-СОНЛИ «ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ
НАФАҚАЛАР МИҚДОРНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ БЎЙИЧА
ПЕНСИЯЛАРНИ ҚАЙТА ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 5 июлдаги «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги ПФ-4450-сонли Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 28-сон, 308-модда) асосан, пенсияларни қайта ҳисоблаш тартибини белгилайди.

1. 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи – ойига 72 355 сўм;

ёшга доир пенсиялар – ойига 141 520 сўм;

болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 141 520 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа – ойига 86 835 сўм миқдорида белгиланади.

2. 2012 йил 1 августдан кейин яқка тартибдаги коэффициентларни (2011 йил 1 октябрдан амалга киритилган) қўллаган ҳолда янги тайинланган пенсиялар ҳисоблаб чиқариладиган иш ҳақини тенглаштириш учун ушбу Низомнинг иловасига мувофиқ энг кам ойлик иш ҳақи миқдорлари қўлланилади.

2012 йил 1 августгача тайинланган пенсиялар, юқорида кўрсатиб ўтилган Фармонда белгиланган 1,15 баравар миқдорга ошириш йўли билан қайта ҳисобланади.

3. Пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам иш

ҳақининг саккиз бараваридан ($72\ 355\ сўм \times 8 = 578\ 840\ сўм$) ортиқ бўлмаган ўртача ойлик иш ҳақи инобатга олинади.

4. Яқка тартибдаги коэффициентлар қўлланилган ўртача ойлик иш ҳақи миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз баравари ва ундан юқори миқдорида бўлган ҳолларда, пенсияларни қайта ҳисоблашни амалга оширишда иш ҳақи миқдори энг кам иш ҳақининг саккиз баравари 578 840 сўм ($72\ 355\ сўм \times 8$) билан чегараланиб, иш стажининг давомийлигига боғлиқ равишда пенсияларни ҳисоблаш учун қабул қилинган фоизларга кўпайтирилади.

5. Ёшга доир ёки I ва II гуруҳ ногиронлик бўйича пенсионерлар «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 338-модда) Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7 ва 17-моддаларига мувофиқ, пенсия тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган тақдирда, қайта ҳисоблашдаги пенсия миқдори мавжуд стажга мутаносиб равишда белгиланади.

6. Барча ҳолларда пенсияларга устама энг кам ойлик иш ҳақидан (72 355 сўм) келиб чиқиб аниқланади.

7. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 5 июлдаги ПФ-4450-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISIDA
БЕЛГИЛАНГАН ЭНГ КАМ ОЙЛИК ИШ ҲАҚИ
МИҚДОРЛАРИ**

Ўзгартиришлар санаси ва даври	Белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдори
Сўмда:	
01.01.1973 йилдан	70,00
01.01.1992 йилдан	350,00
01.03.1992 йилдан	$(350,00 + 550,00) / 2 = 450,00$
01.04.1992 йилдан	550,00
01.07.1992 йилдан	1 000,00
01.09.1992 йилдан	1 250,00
01.10.1992 йилдан	2 000,00
01.01.1993 йилдан	2 500,00
01.04.1993 йилдан	3 000,00
01.06.1993 йилдан	7 500,00
01.07.1993 йилдан	11 250,00

Ўзгартиришлар санаси ва даври	Белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдори
Сўмда:	
01.09.1993 йилдан	13 500,00
01.11.1993 йилдан	16 200,00
Сўм-купонда:	
01.12.1993 йилдан	24 300,00
01.01.1994 йилдан	30 000,00
01.03.1994 йилдан	45 000,00
01.06.1994 йилдан	70 000,00
Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида (сўм):	
01.07.1994 йилдан	70,00
01.08.1994 йилдан	100,00

Ўзгартиришлар санаси ва даври	Белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдори	Ўзгартиришлар санаси ва даври	Белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдори
01.03.1995 йилдан	150,00	01.07.2006 йилдан	10 800,00
01.09.1995 йилдан	250,00	01.11.2006 йилдан	12 420,00
01.04.1996 йилдан	400,00	01.08.2007 йилдан	15 525,00
01.09.1996 йилдан	550,00	01.11.2007 йилдан	(15 525,00 + 18 630,00) / 2 = 17077,50
01.12.1996 йилдан	600,00	01.12.2007 йилдан	18 630,00
01.07.1997 йилдан	750,00	01.04.2008 йилдан	20 865,00
01.07.1998 йилдан	1 100,00	01.09.2008 йилдан	25 040,00
01.01.1999 йилдан	1 320,00	01.11.2008 йилдан	(25 040,00 + 28 040,00) / 2 = 26 540,00
01.08.1999 йилдан	1 750,00	01.12.2008 йилдан	28 040,00
01.08.2000 йилдан	2 450,00	01.08.2009 йилдан	33 645,00
01.08.2001 йилдан	3 430,00	01.12.2009 йилдан	37 680,00
01.04.2002 йилдан	3 945,00	01.08.2010 йилдан	45 215,00
01.08.2002 йилдан	4 535,00	01.12.2010 йилдан	49 735,00
01.05.2003 йилдан	5 440,00	01.08.2011 йилдан	57 200,00
01.08.2004 йилдан	6 530,00	01.12.2011 йилдан	62 920,00
01.05.2005 йилдан	7 835,00	01.08.2012 йилдан	72 355,00
01.10.2005 йилдан	9 400,00		

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

**АВТОМОБИЛЛАРГА ЁНИЛГИ ҚЎЙИШ ШОХОБЧАЛАРИ
ТОМОНИДАН МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТГА НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИING
ЧАКАНА НАРХИ БИЛАН БЕЛГИЛАНГАН ЧЕКЛАНГАН УСТАМАДАН
ОРТИҚ БЎЛГАН ХАРИД НАРХИ ЎРТАСИДАГИ ТАФОВУТНИ
ҲИСОБЛАБ ЧИҚИШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 25 июлда рўйхатдан ўтказилган.
Рўйхат рақами 2381.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2012 йил, 30-сон, 352-модда)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 июлдаги 296-сонли қарори билан тасдиқланган Нефть маҳсулотлари сотувчи корхоналарнинг чекланган устамаларини шакллантириш тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 йил, 13-сон, 102-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси қарор қиладилар:

*2012 йил 4 августдан кучга киради.

Молия вазири
Р.АЗИМОВ.
51-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси
Б.ПАРПИЕВ.
2012-22-сон

Тошкент ш., 2012 йил 29 июнь.

**АВТОМОБИЛЛАРГА ЁНИЛҒИ ҚУЙИШ ШОХОБЧАЛАРИ
ТОМОНИДАН МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТГА НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ
ЧАКАНА НАРХИ БИЛАН БЕЛГИЛАНГАН ЧЕКЛАНГАН УСТАМАДАН
ОРТИҚ БЎЛГАН ХАРИД НАРХИ ЎРТАСИДАГИ ТАФОВУТНИ
ҲИСОБЛАБ ЧИҚИШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 июлдаги 296-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 йил, 13-сон, 102-модда) билан тасдиқланган Нефть маҳсулотлари сотувчи корхоналарнинг чекланган устамаларини шакллантириш тўғрисидаги низомга мувофиқ автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари томонидан маҳаллий бюджетга нефть маҳсулотларининг чакана нархи билан белгиланган чекланган устамадан ортиқ бўлган харид нархи ўртасидаги тафовутни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартибини белгилайди.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 июлдаги 296-сонли қарори билан тасдиқланган Нефть маҳсулотлари сотувчи корхоналарнинг чекланган устамаларини шакллантириш тўғрисидаги низомга мувофиқ бутун республика бўйича ягона чакана нархлар марказлаштирилган тартибда белгиланадиган нефть маҳсулотлари бўйича, агар чакана нарх билан сотиб олиш нархи ўртасидаги тафовут автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчасининг белгиланган чекланган устамасидан ортиқ бўлган тақдирда, ортиқ сумма маҳаллий бюджетга ўтказилади (кейинги ўринларда маҳаллий бюджетга ўтказилиши лозим бўлган нархлардаги тафовут деб юритилади).

2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан чакана нархлари белгиланадиган автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари томонидан «Ўзнефтмаҳсулот» АК таркибига кирувчи нефть базаларидан олинандиган нефть маҳсулотларига татбиқ этилади (Аи-80, Аи-91, Аи-92, Аи-93 ва Аи-95 маркали автобензинлар, дизель ёқилғиси шунингдек ЭКО дизель ёқилғиси).

3. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

чакана нарх – жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинандиган солиқни ҳисобга олмаган ҳолда ёнилғи қуйиш шохобчалари томонидан реализация қилиш нархи;

чекланган устама – ҳудудий молия органлари томонидан нефть маҳсулотларининг бир тоннага сўмда белгиланган ёнилғи қуйиш шохобчаси ихтиёрида қолувчи устама миқдори.

**II. МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТГА
ЎТКАЗИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН НАРХЛАРДАГИ
ТАФОВУТ СУММАСИНИ
ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТЎЛАШ**

4. Маҳаллий бюджетга ўтказилиши лозим бўлган нархлардаги тафовут нефть маҳсулотларининг ҳар бир етказиб берилиши бўйича аниқланади.

5. Маҳаллий бюджетга ўтказилиши лозим бўлган нархлардаги тафовут суммаси қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$St = (Pч \times Vл) - (Счек + Нчек \times Vт), \text{ бунда:}$$

*Илова берилмайди.

St – маҳаллий бюджетга ўтказилиши лозим бўлган нархлардаги тафовут суммаси;

Pч – нефть маҳсулотларининг чакана нархи;

Vл – харид қилинган нефть маҳсулотлари бўйича юк хати асосида нефть маҳсулотларини етказиб бериш ҳажми (литрда);

Счек – нефть маҳсулотларини «Ўзнефтмаҳсулот» АК нефть базаларидан автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси жойлашган жойгача ташиш билан боғлиқ транспорт харажатларини ҳисобга олмаган ҳолдаги нефть маҳсулотларини етказиб бериш қиймати;

Нчек – автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчасига белгиланган чекланган устама;

Vт – харид қилинган нефть маҳсулотлари бўйича юк хати асосида нефть маҳсулотларини етказиб бериш ҳажми (тоннада).

6. Маҳаллий бюджетга ўтказилиши лозим бўлган нархлардаги тафовут суммасини тўлаш, автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари жойлашган жой бўйича ҳар ой нефть маҳсулотлари етказиб берилган ой туганидан сўнг уч банк кунидан кечиктирмай амалга оширилади.

7. Нефть маҳсулотларининг чакана нархи билан белгиланган чекланган устамадан ортиқ бўлган харид нархи ўртасидаги тафовут ҳисоб-китоби мазкур Низомнинг иловасига* мувофиқ автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари жойлашган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-санасидан кечиктирмай тақдим этилади.

8. Автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари жойлашган жойдаги давлат солиқ хизмати органлари маҳаллий бюджетга ўтказилиши лозим бўлган нархлардаги тафовут ҳисобланган ва тўланган суммалари ҳисобини юритиш учун шахсий ҳисоб варақаларини очадилар.

9. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон) 356-моддасига мувофиқ автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари учун ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солинадиган база маҳаллий бюджетга ўтказилиши лозим бўлган нархлардаги тафовут суммасига камайтирилади.

III. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10. Автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари маҳаллий бюджетга ўтказилиши лозим бўлган нархлардаги тафовут суммасининг тўғри ҳисобланиши ва тўланиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

11. Мазкур Низомнинг 6-бандида кўрсатилган муддат бузилган тақдирда, муддати ўтказиб юборилган қарз суммасига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун маҳаллий бюджетга олиб қўйиландиган 0,07 фоизли ставка бўйича пеня ҳисобланади.

12. Маҳаллий бюджетга ўтказилиши лозим бўлган нархлардаги тафовут суммасининг тўғри ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш устидан назорат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

НОРЕЗИДЕНТ УЧУН ТЎЛАНДИМИ ЁКИ ТЎЛАНМАЙДИМИ ёки НОРЕЗИДЕНТ ДОИМИЙ МУАССАСАЛАР ВА УЛАРНИНГ КОНТРАГЕНТЛАРИ – РЕЗИДЕНТЛАРДА ФОЙДА СОЛИГИ ҲАМДА ҚҚС ТЎҒРИСИДА

? *Ўзбекистон Республикаси норезидентининг доимий муассасаси Ўзбекистон ҳудудида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширади. Бироқ ҳисобот даврида тугалланган ишлар мавжуд эмас ва даромад йўқ.*

Ҳисобот йилида даромад (фойда) бўлмаса, фойда солиғи тўлаш керакми?

– Доимий муассасалар (ДМ) солиқ солишда Солиқ кодексининг (СК) 127-154-моддаларига амал қилишлари керак. Солиқ солиш объекти бўлиб фойда ҳисобланади, солиқ солинадиган база эса жами даромад билан чегириладиган харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. ДМлар фойда солиғи бўйича белгиланган имтиёзларни ҳам қўллашлари мумкин. Бунда ДМга солиқ солишнинг қуйидаги хусусиятларини эътиборга олиш керак:

- ДМ фойдасига фойда солиғи солинади. Бунда солиқ солинадиган фойда харажатлар суммасининг 10%идан кам бўлиши мумкин (ҚҚС). Даромад мавжуд бўлмаган тақдирда фойда солиғи ДМ амалга оширган ва ДМ орқали Ўзбекистон Республикасида даромад олиш билан боғлиқ харажатлардан ҳисоблаб чиқарилади. Солиқ солинадиган база ушбу ҳолда харажатлар суммасининг 10%ига тенгдир (таннархга доир солиқ солиш). Ушбу меъёр СКнинг 154-моддасига 30.12.2009 йилдаги ЎРҚ-241-сон Қонун билан киритилган ва 2010 йил 1 январдан амал қилади.

ДМ харажатлари ДМнинг бирламчи ҳужжатлари билан тасдиқланиши керак. Ҳисобрақамидан бўнақлар ҳам ўтказилиши мумкин, улар эса ҳар доим ҳам харажатлар деб эътироф этилавермайди. Харажатни ҳисобварақ-фактуралар, чеклар, квитанциялар, бажарилган ишлар далолатномалари ва бошқа бирламчи ҳужжатлар тасдиқлаши мумкин. Кейинги солиқ даврида фойда солиғи солинган кўрсатилган харажатлар ҳисобга олинмайди.

- соф фойдага ҳам 10%лик ставкада солиқ солинади. Соф фойда деганда Ўзбе-

кистон Республикаси норезиденти доимий муассаса орқали Ўзбекистон Республикасидаги фаолиятдан олган фойда, юридик шахсларнинг фойдасига ҳисоблаб ёзилган солиқ суммаси чегирилган ҳолда, тушунилади.

Шу тариқа, солиқ даврида даромад (фойда) йўқ бўлганида ДМнинг фойда солиғини тўлаш бўйича мажбурияти мазкур солиқ даврида ДМ амалга оширган ва Ўзбекистон Республикасида даромад олиш билан боғлиқ харажатлардан келиб чиқиб белгиланади. Даромадларни эътироф этишни ҳужжат билан тасдиқланган бирламчи ҳужжатлар бўйича, ушбу харажатлар Ўзбекистон Республикасида амалга оширилганлиги ёки оширилмаганлигидан қатъи назар, шунингдек ДМда чегирилмайдиган харажатларни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш керак (СК 154-моддасининг бешинчи қисми).

? *ДМ Ўзбекистон резиденти бўлган компания учун лойиҳа ишларини бажарди. Резидент компания ДМ бажарган ишлар учун фойда солиғини тўлаши керакми?*

– Резидент компания унинг учун ДМ бажарган ишлар учун фойда солиғини тўламаслиги керак.

ДМ СКнинг 154-моддасига кўра фойда солиғини мустақил тўловчидир.

? *ДМ ЎзР резиденти бўлган компания учун лойиҳа ишларини бажарди. Резидент компания унинг учун ДМ бажарган ишлар қийматидан кўшилган қиймат солиғини тўлаши керакми? Агар тўласа, қайси пайтдан бошлаб ҚҚС тўлаш мажбурияти юзга келади?*

– Кўшилган қиймат солиғини тўлаш мажбурияти резидент компанияда унинг учун ДМ бажарган ишлар бўйича юза-

га келади. Бу СКнинг 207-моддасида назарда тутилган: «Ўзбекистон Республикаси норезиденти томонидан тақдим этилган ишлар, хизматлар, агар уларнинг реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси бўлса, ишларни, хизматларни олувчи Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчисининг солиқ солинадиган оборотидир».

Ишлар, хизматларни реализация қилиш жойи СКнинг 202-моддаси қоидаларига биноан белгиланади. Агар ДМ лойиҳа ишларини бажарса, реализация қилиш жойи харидор, яъни резидент компаниянинг фаолият жойи бўйича белгиланади. Бинобарин, норезидент ДМ орқали бажарган ишларини реализация қилиш жойи бўлиб Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ҳисобланади.

Резидент компанияда (ишлар, хизматларни олувчида) солиқ солинадиган база Ўзбекистон Республикаси норезидентига тўланиши лозим бўлган суммадан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромад бўйича тўлов манбаида ушлаб қолиниши лозим бўлган солиқ суммаси чегириб ташланмаган ҳолда белгиланади. ҚҚС суммаси – 20%.

Бунда СКнинг 208 – 210-моддаларига (ҚҚС бўйича имтиёзлар) эътибор қаратиш керак. Агар норезидент томонидан амалга ошириладиган ишлар, хизматлар ҚҚС тўлашдан озод қилинса, уни резидент компания тўламайди.

Агар олинган ишлар, хизматлар учун

ҳақ хорижий валютада амалга оширилса, солиқ солинадиган оборот оборот содир этилган санада ЎзР МБ курси бўйича миллий валютада қайта ҳисобланади.

Ишларни, хизматларни реализация қилиш обороти амалга оширилган сана қуйидаги шартлардан бири бажарилганда бошланади:

ҳисобварақ-фактура ёзиб берилганда; ишлар бажарилганлиги, хизматлар кўрсатилганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжатлар расмийлаштирилганда.

Ишлар, хизматлар Ўзбекистон Республикаси норезидентидан олинган тақдирда, ишлар, хизматлар олинганлиги тўғрисидаги ҳужжат расмийлаштирилган сана оборот амалга оширилган санадир (СКнинг 203-моддаси).

Шу тариқа, норезидентдан ишлар, хизматларни олиш санаси бўлиб ҳисобварақ-фактура ва бажарилган ишлар (хизматлар) далолатномаси расмийлаштирилган сана ҳисобланади.

Солиқ ҳисоб-китоби ва уни тўлаш СКнинг 225 ва 226-моддаларига кўра амалга оширилади. Агар резидент компания кичик корхона ҳисобланса, унга кичик корхоналар учун белгиланган муддатлар татбиқ этилади.

Жавобларни «Norma Ekspert» мутахассислари тайёрладилар.

БЕВОСИТА МУЛОҚОТ

уяли телефондан +99871
стационар телефондан 8371

200-00-59

Солиқ солиш ва бухгалтерия масалалари юзасидан саволларингизга телефон орқали жавоб берамиз.

Соат 10.00 дан 12.00 гача

Хизматлар бепул

Реклама

МУЗЛАТКИЧ ВА САВДО УСКУНАЛАРИ



Тошкент ш., Боғишамол кўч., 160
Тел.: (+998 71) 234-34-75, 234-12-69
235-11-30, 216-09-00, 217-09-57

WWW.AZN.UZ
E-mail: azn@azn.uz
маҳсулот сертификатланган

Эълонлар

СОТИЛАДИ

Совуткич камера 3600 м³. 1 йилда ўзини оқлайди (850 000)*.
Тел.: 926-32-23, 451-85-00.

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*.
Тел.: 281-52-39, 448-74-69.

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*.
Тел. 448-74-69.

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*.
Тел. 370-63-06.

ХИЗМАТЛАР

Солиқ органига, туман статистика бўлимига, Халқ банкига топшириладиган электрон ҳисоботлар учун

дастурларни ўрнатиш, сошлаш.
Тел. 963-89-58.

ТАРЖИМАЛАР БЮРОСИ: юридик, техник, тиббиётга оид матнларни таржима қилиш. Тасдиқлатиш. Легаллаштириш.
Тел.: 252-38-71, 808-79-76.

Инвентаризация. Бухгалтерия ҳисоби. Кузатув. Таъсисчилар. Кўчмас мулк. Очиш. Тугатиш.
Тел. 806-28-46; факс 278-11-66.
E-mail: 49koshelev@mail.ru

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш.
Тел.: 233-74-95, 233-17-56, 236-76-46.

Картрижларни тўлдириш. Жойига чиқиш билан. Тел.: 127-15-28, 914-67-79.

*Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.

1-бетда

Ўтган йили Тошкент шаҳрида икки хонали квартира сотиб олдим. Ҳозирча у ерда ҳеч ким яшамаяпти, биров прописка қилинган ҳам эмас. Яқинда турмуш ўртоғим билан бамаслаҳат бу квартирани эримнинг танишига ижарага бермоқчи бўлдик. Мен **norma.uz** сайтида «Квартира ижарага берилди» деган мақолани* топиб ўқидим. Унда таъкидланишича, «2012 йил январдан бошлаб фуқаролар ўртасида тузилган турар жойни ижарага бериш шартномаларининг ҳаммаси нотариал тасдиқланган бўлиши керак». Шу мақолада шартномани расмийлаштириш учун нотариусга тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар ҳам айтиб ўтилган. Ҳар эҳтимолга қарши деганларидек, турмуш ўртоғим ишимизга яқин жойдаги нотариал идорага кириб, бундай шартномани расмийлаштириш учун талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхатини олиб келди.

Мана ўша рўйхат:

1) «Ергеодезкадастр» давлат кўмитаси ҳудудий бўлинмасининг (БТИ) маълумотномаси – квартирани ижарага бериш учун;

2) квартира жойлашган жойдаги паспорт ишлари билан шуғулланувчи ходимнинг мазкур квартирада ким прописка қилинганлиги тўғрисидаги маълумотномаси ҳамда 17-сон шакл нусхаси;

3) квартира эгасининг СТИРи нусхаси;

4) уй эгаси турмуш ўртоғининг паспорти ҳамда никоҳ тўғрисидаги гувоҳнома нусхалари ҳамда квартирани ижарага бериш учун эрнинг нотариал тартибда тасдиқланган розилиги;

5) ижарага олувчининг СТИРи ва паспорти нусхалари, шунингдек унинг хотини паспорти, никоҳ гувоҳномаси ва болаларнинг туғилганлик гувоҳномалари нусхалари.

Эрим олган квартирам жойлашган тумандаги БТИга бориб, идоранинг иш вақтини, шунингдек маълумотнома олиш учун квартирага оид кадастр йиғмажилдини, қолаверса квартира эгасининг СТИРи ва паспорти нусхаларини топшириш зарурлигини билиб келди.

Эртаси куни эрталаб соат 9 да «Ергеодезкадастр» давлат кўмитасининг туман бўлими сари йўл олдик. Керакли хонани топиб, ярим соатча навбат кутгач, талаб этилаётган ҳужжатларни инспекторга тутқаздик. У ҳужжатларни бирма-бир текшириб чиқиб, фамилиямни кўрсатган ҳолда кассага **4 773** сўм давлат божи тўлаш учун хат ёзиб берди. Бу орада эрим кассага навбат олиб турган экан, 5 минут ўтар-ўтмас галимиз келиб, айтилган суммани тўладим ҳамда давлат божи тўланганлиги ҳақидаги квитанцияни инспекторга олиб бориб бердим. У маълумотнома 2 ҳафтадан кейин тайёр бўлишини айтди.

Шундан кейин эрим квартира жойлашган ердаги маҳалла фуқаролар йиғини идорасига бориб, паспорт ишлари билан шуғулланадиган ходимнинг иш вақтини билиб келди. Бу ходим ҳафтада 3 кун соат 14.00 дан 17.00 гача ишлар экан. Вақт топиб унинг ҳузурига ошиқдик. У бизга 17-сон шаклдаги қоғоз бланкасини берди. Маҳалла

фуқаролар йиғини идорасида ксерокс аппарати йўқлиги учун эрим кўшни кўп қаватли уйга бориб шундай хизмат кўрсатилаётган жойдан нусха кўчиртириб келди. Бу орада ходим фалон манзил бўйича менга тегишли квартирада ҳеч ким прописка қилинмаганлиги хусусида маълумотнома ёзиб берди. Унга **2 000** сўм тўладим. Аммо муҳр ва штамп ХУМШ раисидан экан. У билан телефон орқали боғландик. Бахтимизга раис уйга қайтаётган экан: у яшайдиган уй йўлагига 10 дақиқада етиб бордик. Уни кутиб туриш, етиб келгач квартирасига кўтарилгунча яна шунча вақт кетди. Маълумотномани бердик – у муҳр ва штамп босиб берди.



Орадан 2 ҳафта ўтгач, БТИга маълумотнома учун бордик. Бу идоранинг архивида (яхшиямки бу ерда навбат кутувчилар йўқ экан) фамилиямни ва квартира манзилини айтгандим – ваъда қилинган маълумотномани беришди, квартира режасини ҳам қайтаришди. Олинган ҳужжат учун алоҳида тутилган бир дафтарга имзо қўйишимни сўрашди.

Маълумотномаларни, шунингдек ижарага олувчига тааллуқли ҳужжатларнинг нусхаларини тўплагач, турмуш ўртоғим уларнинг ҳаммасини нотариал идорага олиб бордик. Нотариус уларни кўриб чиққач, квартира гаровга қўйилмаганлиги хусусида маълумотнома кераклигини айтиб, маълумотнома бланкасини берибди. Эртаси куни барвақт турмуш ўртоғим шу маълумотнома учун квартира жойлашган тумандаги нотариал идорага борди. Омади келиб навбатнинг бошида турган экан, ярим соатчада ҳужжатни олибди – маълумотнома учун яна **6 000** сўм чиқим қилибди. Шу зайил кўлимизга теккан маълумотномага унинг берилган вақти кўрсатилган ва

шу берилган вақтдан эътиборан... 8 соат ичидагина ҳақиқий эканлиги қайд этилган экан. Шу сабабли ҳам ўша куннинг ўзида шартномамизни рўйхатдан ўтказдиришимиз керак эди. Ишхонамизнинг ёнгинасидаги нотариал идорада одам тирбанд экан, турмуш ўртоғим кун бўйи вақти-вақти билан у ерга бориб навбатдан хабардор бўлиб турди. Навбатимиз яқинлашгач, эрим менга кўнғироқ қилди. Биз 16.45 да қабулга киришга муваффақ бўлдик. Нотариусга киришдан олдин турмуш ўртоғим **121 000** сўм миқдорида кассага бож тўлабди. Паспорт, никоҳ гувоҳномаси ва квартира режаси ёнимизда эди (квартира режасига олди-сотди шартномаси ҳам тиркаб тикиб

8 соатга борди (БТИга биринчи бориш – 45 минут, иккинчи бориш – 10 минут, учинчи бориш – 40 минут, тўртинчи бориш – 10 минут; паспорт ишлари билан шуғулланадиган ходим ва ХУМШга ташриф – 1 соат; квартира гаровга қўйилмаганлигига оид маълумотнома олиш учун яна 30 минут вақт кетди; нотариус қабулида икки сафар бўлиш – 2 соат вақтни олди; ДСИга боришга 30 минут кетди, жами 5 соату 45 минут). Бунга йўлга кетган 2 соат вақтни ҳам қўшиш керак (шартнома расмийлаштирилган куни нотариус ҳузурига навбатда кутиб туришга кетган вақт бу ҳисобга кирмайди). БТИ ишхонамиз йўлида, нотариал идора эса офисимиз ёнгинасида эканлигини, расмий-

Шахсий тажриба

УЙ ИЖАРАГА БЕРИЛАРКАН

кўйилган). Аввалига эрим квартира ижарага берилишига рози эканлиги ҳақидаги ҳужжатни имзолади. Шундан кейин бизга ижара шартномасининг 4 нусхасини беришди. Бу нусхаларга ижарага берувчи сифатида мен ва ижарага олувчи имзо қўйдик. Нотариус ҳужжатларга имзо чекиб, ўз муҳрини босди, барча иштирокчилардан катта дафтарга имзо қўйишни сўради ҳамда шартноманинг 1 нусхасини ижарага олувчига ва 2 нусхасини менга – ижарага берувчига топширди. Нотариус ҳузурига ана шу ишларга 20 минут вақт сарфладик.

Бироқ иш ҳали охирига етмаган экан. 10 кунлик муддат ичида кўлимдаги ҳар иккала нусхани БТИга олиб боришим керак экан. Эртаси куни турмуш ўртоғим эрталабданоқ БТИга йўл олди, у ерда кассага **5 800** сўм тўлаб, шартномаларни ва кадастр йиғмажилдини топширибди. 3 кундан кейин унга кадастр йиғмажилдини ва шартноманинг рўйхатга олинганлик тўғрисидаги штамп қўйилган битта нусхасини қайтаришди. Шартноманинг иккинчи нусхасини БТИ ўзида олиб қолибди.

Бундан ташқари, нотариус мен доимий прописка қилинган жойдаги солиқ инспекциясига топшириш учун турар жой ижараси шартномаси тасдиқлатилганлиги тўғрисидаги хабарни мужассам этган 2 нусха хат берди. Хатда менга тегишли СТИР, шартноманинг амал қилиш муддати ва ижара ҳақи миқдори кўрсатилган эди. Бу хатни 10 кун мобайнида туман ДСИга олиб бориб 1 нусхасини топширишим, иккинчи нусхасига эса муҳр бостиртириб яна нотариал идорага тақдим этишим керак экан. Бу ишларни амалга ошириш турмуш ўртоғимнинг гарданига тушди.

Ана шу ишлар, тартиб-таомилларга қанча куч, вақт ва пул сарфланганлигини ҳисоблаб кўриш фикрига бордик. Шундай қилиб молиявий харажатлар салкам **140 000** сўмни ташкил этибди ($4\ 773 + 2\ 000 + 6\ 000 + 121\ 000 + 5\ 800$). Жами сарфланган вақт

лаштириш билан боғлиқ жойларга жамоат транспортида эмас, хусусий машина-мизда борганлигимизни айтмай қўя қолайлик.

Кабинетма-кабинет сарсонгарликлар асносида кўпгина саволлар мияда чарх ура берди. Квартирани сотмаётган, балки шунчаки ижарага бераётган эдик, шундай экан, бунча маълумотнома нега зарур? Маълумотномани БТИда расмийлаштириш ва рўйхатдан ўтказишнинг қандай зарурати бор? Кўлимда квартирага оид кадастр йиғмажилди – майдони ҳам кўрсатилган мазкур квартирага бўлган мулк ҳуқуқимни тасдиқловчи расмий ҳужжат бор-ку ахир?! Уни расмийлаштирганимга ярим йил бўлди, холос. БТИ маълумотномасида ҳам шуларнинг ўзи айтилган. Аммо менга тегишли жойнинг кадастр йиғмажилдидан ана шу маълумотларни шунчаки кўчириб ёзиб бериш учун нақ 2 ҳафта талаб этилмоқда. Нотариус паспорт столдан маълумотнома талаб қилмайди: бинобарин паспортим ўз кучида – амал қилмоқда. Шундай экан, БТИдан маълумотнома олишга не ҳожат? Балки квартиранинг майдонини текшириб кўриш ниятидадилар, лекин кўп квартиралар уйнинг 3-қаватидаги квартира саҳни ўзгартириб қоларми?! Бирон-бир фирибгарлик ҳоллари бўлиши даргумон: ижарага олувчи одатда 1 ой юзасидан ҳақ тўлайди, ижара ҳақи эса квартира эгаси жинойи қилмишга қўл урадиган даражада кўп эмас.

Тошкент шаҳримизда уй-жой мулкига оид барча маълумотларни ўзида жам этган, «Ергеодезкадастр» давлат кўмитасининг барча бўлинмалари, нотариал идоралар ва солиқ инспекциялари эркин фойдалана оладиган ягона электрон база бўлганида борми, нотариус ҳаммасини нари борса 5 минут ичида текшириб кўрган бўларди. Расмийлаштиришга ҳам бунча вақт сарфлашга ҳожат қолмасди.

Татьяна.

*«Норма маслаҳатчи»нинг 22.05.2012 йилдаги 21 (358)-сонидан эълон қилинган.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБЕКОВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш.,
Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
тел. 283-44-57
E-mail: gazeta@norma.uz,
normapress@mail.ru
www.norma.uz

Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи назарига мос келавермайди.
Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.
«Норма маслаҳатчи»да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «Норма» газеталари бирлашган таҳририяти» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида «ТОРПРИНТ» МЧЖ босмахонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс – 186 Буюртма 382 Адади 2 780. Баҳоси келишилган нархда
Газета 2012 йил 30 июлда соат 14.00 да топширилди.
ISSN 2010-5223